

АЛОҚАЧИЛАР МУНОСИБ НОМЗОД УЧУН ОВОЗ БЕРДИЛАР!

Эурсен шоҳ, агар огоҳсен сен, Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен



ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 14 январь, жума № 2 (385)

● Сотувда нархи эркин

САРҲИСОБ

ХАЙЪАТ ЙИГИЛИШИДА 1999 ЙИЛГИ ИШ ЯҚУНЛАРИ КЎРИБ ЧИКИЛДИ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги хайъатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. «Почта ва телекоммуникациялар соҳаси корхоналарининг 1999 йилги иш яқунлари ва 2000 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида» агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев маъруза қилди.

Ўтган 1999 йили алоқа корхоналари жами 37,2 миллиард сумлик алоқа хизмати курсатишди. Жумладан, аҳолига 11,1 миллиард сумлик хизмат курсатилди, фойда эса 8,8 миллиард сумни ташкил этди. Давлат корхоналарининг даромади 9,7 миллиард сумни, хиссадорлик жамиятлариники 14,4 миллиард сумни ва қўшма корхоналарнинг даромади 13,1 миллиард сумни ташкил этди. Хизмат курсатиш ҳажми барқарорлашди. 1998 йилга нисбатан жунатмалар 18 фоиз, халқаро ва шаҳарлараро телефон сузлашувлари 17 фоиз, хат жунатмалари 7,7 фоизга ошди. 2000 йилнинг 1 январига келиб республика бўйича асосий телефон аппаратларининг сони 1542,3 минггага етказилди, бу 1998 йилга нисбатан 61,1 минггага кўп демакдир.

Соҳада сифат курсаткичлари яхшиланганига эришилди. Шкояят ва аризалар умумий сони 1998 йилга қараганда 30,6 фоизга камайди. 1999 йилда «Республика телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва қайта қуриш Миллий дастури» ни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Капитал қийимлардан 6452,7 миллиард

сумлик ишлар бажарилди.

Жорий йилнинг биринчи январигача дебитор қарзлар 3745,0 миллион сумни, кредитор қарзлар эса 1766,0 миллион сумни ташкил этди. 1999 йилда «Почта алоқасини автоматлаштирилган ахборот тизимига ўтказиш» Концепцияси ишлаб чиқилди. Бу тизимни «Тошкент почтамати»да синов тариқасида жорий этиш бошлаб юборилди.

Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари марказида 130 дан ортиқ меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш борасида иш олиб борилди. Агентликда зарар қўриб ишлаётган корхоналар йўқ.

Хайъат йиғилишида соҳада тулпаниб қолган муаммолар атрофида муҳокама қилинди ва аниқ таклифлар билдирилди. Йиғилишда муҳокама қилинган масалалар бўйича «Маҳаллий Телеком» акционерлик компанияси бош директори А. Жўрабев, «Халқаро Телеком» акционерлик компанияси бош директори М. Холмуротов, «Ўзбекистон почтаси» давлат акционерлик компанияси бош директори К. Раҳимов, «Матбуот тарқатуви» акционерлик компанияси бош директори Р. Қосимов, Қорақалпоғистон Республикаси давлат электралоқа ишлаб чиқариш корхонаси бош муҳандиси К. Каланов, «Алоқасаноат» акционерлик жамияти директори Р. Валиев, «Сурхондарё почтаси» хиссадорлик жамияти бош директори М. Муҳаммадиевлар сузага чиқиди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Хайъат ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг уринбосари Л. Ахметов иштирок этиб, нўт сузлади.

Иззат АХМЕДОВ

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори уринбосари Ш. Обидхўжаев «Хабар» газетасининг тахрир хайъати ва жамоатчилик кенгаши аъзолари билан учрашув ўтказди. Оқиб ва ошқора рўҳда ўтган учрашувда тахририят фаолияти билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокама этилди. Жумладан, газетанинг моддий таъминотини яхшилаш, долзарб ва муаммолни, танқидий мақолаларга кўпроқ эътибор бериш кераклиги ҳақида суз юритилди.

Мажлисда Бош муҳаррир Шодмон Отабек, жамоатчилик кенгаши аъзолари Бобохон Шариф, Шоҳруҳ Акбаров, Ортиқбой Абдуллаев, тахрир хайъати аъзоси А. Кудинов сузага чиқиб, газета ишини яхшилаш, унинг, нуфузини янада ошириш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини гапирди. Жамоатчилик кенгаши аъзоси Тўлқин Луффуллаев газетанинг таъминотини танқидий материалларга мутасадди ташкилотларнинг муносабати, бу борада қўрилган чора-тадбирлар кўнгалдагидек эътибор ҳақида ўз фикрларини билдирди.

Шунингдек, учрашувда тахририятни замонавий компьютер ва бошқа зарур техника жиҳозлари билан таъминлаш, газетани жамоатчилик муҳбирлари жалб қилиш, муаллифларга берилаётган қалам ҳақларини ошириш кераклиги тўғрисида ҳам суз борди. Агентлик Бош директори уринбосари Ш. Обидхўжаев тахририят олдидан турган муаммо ва камчиликлари бартараф этиш учун агентлик ердан беришга тайёр эканлигини айтди.

Ўз МУХБИРИМИЗ

Ҳамюртларимиз 9 январь куни саҳарлаб Ўзбекистон Республикаси Президентлигига буладиган сайловда иштирок этиш учун Термиздаги энг катта сайлов участкаларидан бири — почта корхонамиз биносига кела бошлашди. Ушбу сайлов участкаси-

эшитиб хурсанд бўлдик.

Президентликка сайлов куни вилоят почта филиали директорлари кузатувчи сифатида иштирок этдилар ва сайловнинг бо-ришини назорат қилиб бордилар. Ҳамма почта филиалларида навбатчилик ташкил этилди,

кўп овоз олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти бўлди.

XX аср сўнггида 2000 йилнинг энг биринчи Президенти, Ўртбошимиз Ислон Абдуганиевич Каримовга корхонамиз жамоаси номидан

ВАТАНИМИЗ ВА ХАЛҚИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ УЧУН ОВОЗ БЕРДИК

да сайловни яхши ўтказиш учун барча тайёргарлик ишлари пишиқ-пухта қурилган эди.

Шу куни соат 9.00 гача почта ходимлари тулиқ сайловда иштирок этишди. Уларнинг ўз хоҳишлари билан Ислон Каримовга овоз берганликларини

почта жунатмалари манзилларга ўз вақтида етказилиб турилди.

Сайлов натижаларига қура, Фидокорлар миллий демократик партиясидан Президентликка номзоди қўрсатилган амалдаги Президент Ислон Каримов энг

муштақам соғлиқ, халқ манфаати йулидаги улғу ишларида янгидан-янги зафарлар тиламан.

М. МУҲАММАДИЕВ,
«Сурхондарё почтаси»
хиссадорлик жамиятининг
бош директори

ИШОНЧНИ ОҚЛАШИМИЗ ЗАРУР

Мен ҳам тенгдошларим қатори сайловларда фаол қатнашдим. Жорий йилнинг 9 январь куни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўтказилган сайловда Ўртбошимиз И. А. Каримов номзодини қўллаб овоз бердим. Президентимиз биз ишларга ишонди. Биз ишлар ана шу ишонччи оқлашимиз лозим. Бунинг учун яхши ўқишимиз, танлаган касбимизнинг ҳақиқий устаси бўлиб етишимиз керак.

Мана, биз интизорлик билан кутган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига сайлов куни ҳам тарих варақларига ёзилди. Уйлаганимиздек, ушбу сайловда Ислон Каримов галаба қозонди. Ушбу сайловда қатнашганимдан жуда хурсандман.

Д. УЛАШОВ,
Тошкент электротехника Алоқа институти
талабаси

ЙИГИЛИШ ЎТКАЗИЛДИ

Термиз шаҳрида «Сурхондарё почтаси» ХЖ почта филиали директорлари ва вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси туман бўлими раислари иштирокида қўшма семинар бўлиб ўтди.

Ушбу семинар-йиғилишда 1999 йилги иш яқунлари қўриб чиқилди. Маърузачилар 1999 йилда пенсия тулови даврида хато ва камчиликларга йўл қўйган Термиз шаҳри ва Жарқургон почта филиалларидаги иш яқунларига алоҳида тўхталди.

Йиғилишда қўшма тадбир тасдиқланиб, пул маблағлари сақланишини таъминлаш, уғрилиқнинг олдини олиш масалалари қўриб чиқилиб, қарор қабул қилинди. Хато ва камчиликларни бартараф қилиш учун махсус ишчи гуруҳи тузилди ва ҳар-бир ҳодиса учун кескин чора қўриш масаласи муҳокама қилинди.

Ҳамкорликда ишлаш ва пенсия-нерларга гамхўрликни қўйиштириш ҳақида келишиб олинди. Қумургон, Ангор, Музрабод, Шеробод, Денов почта филиалларининг ишлари яхши деб топилди.

Қурилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси томонидан ҳар йили алоқачиларнинг фарзандлари учун Янги йил арафасида турли совғалар бериш, байрам кечаларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолган. Бу йил ҳам ана шу хайрли тадбирлар уюшқоқлик билан ўтказилди. Марказий Қўмита томонидан уюштирилган Янги йил тадбирлари Соғлом авлод йили билан уйғунлашиб кетди.

Жойлардаги алоқа касабаси уюшмалари соҳа ходимларининг 12

лаг билан мурувват ёрдамини курсатишди.

Тошкент шаҳрида алоқачиларнинг фарзандлари театр, цирк, спорт мажмуаларига келиб, байрам томошаларида иштирок этишди. Шунингдек, Ўзбекистон алоқа ходимлари касабаси уюшмаси Марказий Қўмитаси пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги Маннон Уйғур маҳалласидаги кам таъминланган оилаларнинг 100 нафар фарзандларига 87,0 минг сумлик

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

ёшгача бўлган, 40 минг нафар фарзандлари бор эканлигини аниқлашди ва шунга қура турли тадбирлар ўтказиш белгилаб олинди. Касабаси уюшма ташкилотлари томонидан 481 та янги йил тадбирлари ўтказилиб, унга 50339,6 миллион сум сарфланди. Асосий маблағлардан болалар учун Янги йил кечаларида билетлар, совғалар, кийим-кечаклар сотиб олиш, танловлар ўтказиш учун фойдаланилди.

Сирдарё вилояти алоқачилари вилоятдаги 7- ва 16-мактаблар учун мактаб жиҳозлари сотиб олиб беришган бўлса, қорақалпоғистонлик алоқачилар ногиронлар ва болалар уйларига пул маблағлари ўтказишди. Бухоролик алоқачилар эса болалар уйига 140,0 минг сум маб-

Янги йил совғаларини топширдилар. Бу каби тадбирлар барча вилоят алоқа касабаси уюшмалари томонидан уюштирилди. Байрам кечаларини ўтказишда алоқа корхона ва ташкилотларининг ёрдами катта бўлди.

Соғлом авлод йилида ҳам алоқа ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитаси алоқачиларимиз фарзандларини соғлом ушчи, камол топиши учун барча хайрли ва саховатли ишларни изчил амалга ошираверди.

Т. НАЗАРЖОНОВ,
Ўзбекистон алоқа
ходимлари касабаси
уюшмаси Марказий
Қўмитаси раиси

«ХАВАР» газетасига обуна давом этмоқда

«09» ХИЗМАТИ – ҚЎШИМЧА ДАРОМАД МАНБАИ

«Алкател» фирмасининг Наманган шаҳрида 1995 йили фойдаланишга топширилган электралоқа мажмуаси электрон АТС, шаҳарлараро автомат-телефон станцияси ва 15 ишчи урнига мўлжалланган электрон коммутатордан иборат бўлиб, бир қатор афзаллик ва имкониятларга эга. Ана шу имкониятлардан унумли ва самарали фойдаланиш орқали қўшимча даромадларни ошириш мақсадида «Наманган Телеком» хиссадорлик жамияти бош директори К. Боқиевнинг «09» маълумот бериш хизмати пуллик қилиш ҳақидаги таклифи айримлар ишонсизлиги билан қарашган эди. Хиссадорлик жамиятининг Наманган шаҳар телекоммуникация тармоғи филиали «Алкател» станцияси малакали мутахассислари — Одилжон Аҳмадов, Жамолддин Ёқубов, «Алкател» фирмасининг Намангандаги сервис-муҳандиси Абдумал Раҳимовлар томонидан олиб борилган изланишлар ва ҳаракатлар натижасида юқоридаги таклифда жон борлиги исботланди.

Утган йил ноябрь ойининг учинчи ун қўнлигидан бошлаб Наманган шаҳрида «09» маълумот бериш хизмати пулликка ўтказилди.

«Алкател» станцияси электрон коммутаторнинг дастурига қўшимчалар киритиш натижасида 15 та ишчи уридан 4

тасини пуллик «09» хизмати мақсадларида фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Ушбу усулнинг қулайлиги ва афзаллиги шундан иборатки, биринчидан уни амалга ошириш учун қўшимча маблағ сарфланмайди, иккинчидан «09» хизмати ходимларининг иш шароити кескин яхшиланади ва иш самарадорлиги ошади, учинчидан ҳар бир мурожаат компьютер орқали қайд этиб борилади, туртинчидан қўшимча даромад олиш имконини беради.

Мижоз «09» хизматига мурожаат қилган пайтда унинг телефон рақами электрон коммутатор экранда қайд этилади, мижоз сураган маълумот пулт орқали электрон коммутаторга киритилади. «09» хизматига қилинган мурожаатларнинг кўпи, соати ҳамда мижознинг телефон рақами ва у олган ахборотлар магнит лентасига ёзилади ва қайта ишлаш учун ҳисоблаш марказига берилади.

«09» хизмати пулликка ўтказилгунга қадар мурожаатлар сони дастлаб бир оз камайган бўлсада, ҳозир илгариги даражага етиб қолди.

Эндиликда ушбу усулни хиссадорлик жамиятининг Косонсой ва Учқўрғон филиалларида қўллаш чора-тадбирлари курилмоқда.

Ш. ПАРПИЕВ,
жамоатчи мухбиримиз,
Наманган вилояти

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан утган йилнинг 15 декабридан бошлаб республикамизда ёнгин хавфсизлиги ойлуги ўтказилмоқда. Ушбу тадбирда Юнусобод тумани ёнгиндан сақлаш бўлими жамоаси ҳам фаол қатнашмоқда. Бу борада туманда қатор ишлар амалга оширилаётган. Жойларда тушунтириш ишларини олиб бораётиб. Бироқ шундай бўлишига қарамай бир неча

алоқачиларимиз ут учирувчиларга дарҳол хабар беришди. Бу ишни анча йиллардан бери уддалаб келаятган Дилшод Тулаганов, Шура Котова, Камолддин Нигмонов каби ходимларимиз бизнинг faxримиздир.

Республикамизда ўтказилган Президент сайловининг кўнлигидегидек ўтиши учун жамоамиз ходимлари астойдил меҳнат қилишди. Шахримиз аҳолиси сингари биз ҳам Пре-

• Ёнгин хавфсизлиги ойлуги ЎТ БАЛОСИДАН АСРАСИН

ёнгинлар содир бўлди. Таҳлиллар қўлда ясалган электр иситиш асбоб-анжомларидан фойдаланиш, уйда ёш болаларни қаровсиз қолдириш ва уларнинг олов билан уйнаши, газ плитаси устида ювилган кирларни қуритиш оқибатида ёнгинлар содир бўлганлигини қўрсатди.

Утган йилнинг ун бир ойи мобайнида туманимизда 268 та ёнгин содир бўлган. Уларнинг моддий зарари 2319940 сўмини ташкил қилди. Бунинг натижасида қанчадан-қанча оилалар азият чекди. Яқинда Юнусобод тумани 2-мавзеси, 33 уй ёнида ёш болаларнинг олов билан уйнаши оқибатида сув қувурларига шикаст етказилган. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ёнгин содир этилиши биланоқ диспетчер

зидентликка муносиб номзод И.Каримовга овоз бердик. Ниҳоят қўтилган натижага эришилди. Халқимиз ўзи севган, истаган инсонни республикамиз Президенти этиб сайлади. Ватанимиз ободлиги ва халқимиз тинчлиги учун ҳар қанча меҳнат қилсак шунча оз.

Ҳамшаҳарларимиз ёнгинга қарши кураш қўдаларига қатъий риоя қилишса, қўлгина хунук ҳодисаларнинг олдини олган бўлишарди. Шу боис биз барчани нафақат ушбу ёнгин хавфсизлиги ойлугида, балки ҳар доим бундай офатларга сергак туришларини истаб қолардик.

М. АСАДОВ,
Юнусобод тумани
ёнгиндан сақлаш
бўлими катта лейтенанти

САМАРҚАНДИКЛАР ГОЛИБ

Мамлакатимизда спортнинг волейбол тури тобора оммавийлашиб бормоқда. Бунинг диверсимизда ўтказилган волейбол бўйича мусобақаларнинг якунларидан ҳам билса бўлади. Утган 1999 йил охирида Тошкент шаҳрида эркалар жамоалари ўртасида волейбол бўйича Ўзбекистон биринчилиги учун мусобақаларнинг 1 тури бошланди. Унда республикамизнинг турли вилоятларидан келган 6 та волейбол жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Самарқанднинг «Самарқанд Телеком» жамоаси бу гал ҳам ўз маҳоратларини намойиш этдилар. Ўзбекистон биринчилиги учун бўлиб ўтаётган барча мусобақаларда ушбу жамоа голибликни қўлда сақлаб турибди. Навбатдаги ўйинларда ҳам ушбу жамоа чиройли ўйинлар кўрсатиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Биринчи кўнги беллашувда «Самарқанд Телеком» жамоаси голибликни қўлга киритиш учун замин ҳозирлади. Мусобақанинг навбатдаги босқичида улар мамлакат биринчилиги ўйинлари кўмуш медал совриндорни жўззахлик волейболчиларни 3:0 ҳисоби билан доғда қолдиришди.

Ушбу беллашувларнинг 1 босқичида «Самарқанд Телеком» жамоаси 5 мартаба майдонга тушиб, голибликни қўлга киритди. Улар энди мамлакат биринчилиги учун 2000 йилнинг 24-29 январь кўни Тошкент шаҳрида ўтказиладиган II босқич беллашувларига тайёргарликни бошлаб юбордилар.

Зебо ХУДОЁРОВА,
жамоатчи мухбиримиз,
Самарқанд вилояти

ТОШКЕНТ ЭЛЕКТРОТЕХНИКА АЛОҚА ИНСТИТУТИ ҚЎЙИДАГИ ВАКАНТ ЛАВОЗИМЛАРГА ТАЯЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Профессор:

1. Физика — 1.

Доцентлар:

1. Алоқа корхоналарининг иктисодиёти — 2;
2. Менежмент ва Маркетинг — 1;
3. Ўзбекистон демократик жамият қуриш назарияси ва амалиёти — 1;
4. Физика — 1;
5. Рақамли техника ва электралоқанинг бошқарув тизимлари — 1;
6. Ўзбекистон тарихи — 1;

7. Алоқа корхоналарини ташкил этиш ва бошқариш — 1;

8. Радиоалоқа қурилмалари — 1.

Аризалар эълон чоп этилгандан кейин бир ой муддат ичида қабул қилинади.

Танловда қўрсатилган мутахассислар бўйича доцентлар, фан номзодлари қатнашишлари мумкин.

Институт манзили:
Тошкент ш., А. Темурув кўчаси, 108-уй.

Тел: 35-11-50.

СПИСОК ЛИЦЕНЗИЙ НА ПРЕДОСТАВЛЕНИЕ УСЛУГ ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ, ВЫДАННЫХ УЗБЕКСКИМ АГЕНТСТВОМ ПОЧТЫ И ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЙ (МИНИСТЕРСТВОМ СВЯЗИ РУЗ) ПО СОСТОЯНИЮ НА 30.12.99 г.

Владелец лицензии		Дата выдачи лицензии	Серия и номер лицензии
№ п/п	Проектирование, строительство и эксплуатация междугородных телефонных линий связи	3	4
1	Узбекско-немецкое совместное предприятие «ЧИРКОМ»	24.09.96г.	MC № 0009409
2.	Хорезмское государственное производственное предприятие электросвязи	24.09.96г.	MC № 0009416
3	Бухарское государственное производственное предприятие электросвязи	24.09.96г.	MC № 0009418
4	Навоийское государственное производственное предприятие электросвязи	24.09.96г.	MC № 0009420
5	Каракалпакское государственное производственное предприятие электросвязи	24.09.96г.	MC № 0009424
6	Ташкентская телеграфно-телефонная станция	09.10.96г.	MC № 0009426
7	Территориальное производственное объединение радиосвязи, радиовещания и телевидения	09.10.96г.	MC № 0009428
8	Республиканское производственное объединение радиосвязи, радиовещания и телевидения	09.10.96г.	MC № 0009429
9	Совместное Узбекско-Российское научно-производственное предприятие «Узсвязьспутник»	04.12.96г.	MC № 0009444
10	Совместное узбекско-британское предприятие BUZTON	09.10.96г.	MC № 0009449
11	УПТС «Узбекнефтегазсвязь»	03.02.97г.	MC № 0009476
12	Иностранное предприятие «Бакри Узбекистан Телеком»	11.12.97г.	MC № 0009493
13	Совместное Узбекско-американское предприятие «Уздунробита»	20.06.97г.	MC № 0009494
14	Акционерное общество открытого типа «Сырдарья Телеком»	24.09.96г.	MC № 0009505
15	Совместное предприятие «Узбектелеком Интернейшнл, АО»	02.07.97г.	MC № 0009518

(Продолжение следует)

ЯНГИ ПОЧТА МАРКАЛАРИ

«Ўзбекистон маркази» ХЖ томонидан «Ибтидоий даврдаги ҳайвонлар» мавзусида тайёрланган почта маркалар тўплами Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги томонидан муомалага чиқарилди.

Ушбу маркалар тўпламида тасвирланган суратлардан ўша давр ҳайвонот дунёси турғисида янада ёрқинроқ тасаввурга эга бўласиз.



Тўплам 8 та почта маркасида иборат. Почта маркалари кичик варақ қўринишида, рангли қилиб чиқарилди. Маркалар номи ўзбек тилида, лотин алифбоси билан биринчи марқада ёзилди. Қолган маркаларда ҳайвонлар тасвирланган. Уларнинг номлари лотин тилида ёзилган.

Расмларни тошкентлик мусаввир В. Шумилов чизган.

ТАВРИКААЙМИЗ!

Хурматли дадажонимиз
Сапарбой АБДУЛЛАЕВ!

Сизни табарруқ 70 ёшингиз билан чин дилдан табарраймиз. Сизга узоқ-умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз.

Оиламиз номидан:
Ўғлингиз Ислонбек САПАРБОВЕВ,
набиранинг ҚАҲРАМОН,
Қорақалпоғистон Республикаси,
Тўртқўл шаҳри.

Давлат Алоқа инспекцияси жамоаси Қашқадарь вилояти давлат алоқа инспекцияси бошлиғи Йўлдош Абдушукурович ЖОВУНОВНИ 50 ёши билан чин дилдан қўтлайди. Унга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, оилавий хотиржамлик, ишларига омад тилайди.

ОТАМНИНГ ҮРНИ

Дастурхон атрофида ҳаммамизнинг доимий ўрнимиз бор эди. Отамнинг ўрни энг юқорида эди. У эрта вафот этди. Ушанда мен ўн уч ёшда эдим. Унинг ўрни ҳийла вақт бўш турди. Биз ҳар куни овқат вақтида шу бўш ўринга қараб хурсиниб қуяр эдик. Бир куни онам:

— Сен мана бу ёққа ўт! — деб буюрди.

Мен отамнинг хувуллаб турган ўрнига ўтиб ўтирдим. Уша кундан бошлаб отамнинг ўрнида ўтириб овқатланадиган бўлдим. Лекин барибир отамнинг ўрни менга билиниб тураверди.

Икки кундан кейин онам қўлимга пул берди:

— Энди бозор-ўчарни ўзинг қиласан, ўғлим.

Томоғимга бир нарса тикилгандай бўлиб, қўзимга ёш келди.

Пулни гижимлаганимча ерга

• (Ҳикоялар)

қараб туравердим.

— Укаларинг ёш... Каттам сенсан...

Индамай ўчоқ бошига бордим. Девордаги миҳдан отамнинг қулида бир неча йил давомида бозорга бориб келган халтани олдим. Шу куни оилада ота бўлишнинг нақадар қийин эканини биринчи бор ҳис этган эдим.

Бундай уринбосарликни ҳеч кимга раво қурмайман!..

ҚЎШНИМ

Хонадонимизнинг деворлари юпқароқ. Менинг уйимда радио қаттиқроқ гапирса қўшним эшилтади.

Қўшнимнинг бир оёғи йўқ. Урушда бомба парчаси узиб кетган. Баъзан қўшним уйда қўлтиқтаёқсиз бир овқлаб сакраб юради. Баъзида стул суянчигига беихтиёр омонат тираб қўйилган қўлтиқтаёқ полга шарақлаб тушиб кетади. Шундай пайтларда узига мос кичкинроқ краватчада пишиллаб ухлаб

ётган қизим уйғониб кетади. Бордию қизим уйғоқ бўлса, унда чучиб тушади, уйнаб ўтирган уйинчоқлари бир зумда эсидан чиқади, қўзлари алланечук ола-қула бўлиб кетади, югуриб келиб бағримга отилади. Мен уни тинчлантиришга уринаман, ҳеч нима бўлгани йўқ дейман.

Аслида шундайми, яъни ҳеч нима бўлгани йўқми? Ундай эмас. Қўшним оёғини йўқотганида мен ҳам деярлик гўдак эдим. Урушни қурмаганман. Лекин биламан. У бошимга электр токидай урилдию, тўрт йил давомида бутун вужудимни товонимгача зирқиратиб турди. Қизим эса уни катта бўлганида тарих китобларидан ўқиб, балки тасаввур қилиши ҳам қийин булар. Лекин афсуски, қўшнимнинг қўлтиқтаёғи уша уришни тез-тез эсга солиб туради. Агар стул суянчигига беихтиёр омонат тираб қўйилган қўлтиқтаёқ полга шарақлаб тушса, қизимни чўчитса, назаримда қўшнимнинг оёғини узиб кетган уша бомба ёнгинамда портлагандай булади.

Азиз АБДУРАЗЗОҚ



Болалигим — пошшологим

НЕМИС МАҚОЛАРИ

Жойинг қандай бўлса, уйкунг ҳам шундай бўлади.

Бошингни совуқда, оёғингни иссиқда тутсанг, энг яхши врач ҳам камбағал бўлади.

Кексанинг маслаҳати ва ёшинг меҳнати билан эгрини тўғриласа бўлади.

Фоз океан ортидан қайтиб келса ҳам фоз ҳисобланади.

Ҳазаб ақл булогини лойқалантиради.

Эрингни ичишига йўл қўйсанг ҳам ақлини кўзада қолдиришига йўл қўйма.

Қурбақани тилла стулга ўтқазиб қўйсанг ҳам, барибир кўймакка сакрайди.

Кимки озининг қадрига етмаса, қўпига етолмас.

Ҳар бир ишни ақл билан қилган одам ўз мақсадига етади.

Немисчадан
Б. ШУКРУЛЛАЕВ
таржимаси

«ХАБАР» газетаси жамоаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни бош таҳририяти бош муҳаррири Бобур Алимовга онаси
ТУРСУНОЙ аянинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия билдиради.

Асалнинг минг бир хосияти бор дея бежиз айтилмаган. Чиндан ҳам бу табиат инъоми таркибида киши танаси учун зарур булган кальций, калий, натрий, магний, темир, хлор, фосфор ва олтин-гугурт тузлари бор. У марганец, хром, мис, никел, титан, руҳга ҳам бой. Бундан ташқари органик кислоталардан олма, сут, лимон кислоталари асалда сероб. Қисқаси, унинг таркибида жами 70 дан зиёд фойдали моддалар мужассам.

МИНГ БИР ХОСИЯТИ БОР

Гул асалнинг тўртдан ўч қисми қанд моддасидан ва 18 фоизи сувдан иборат. Тўйимли ва айни вақтда энгил ҳазм бўладиган асалнинг бир килограммида 3200 калория энергия бор.

Асалнинг қузилувчанлиги унинг таркибидаги сув миқдорига, ҳароратга ва кимёвий тузилишига боғлиқ. Асалда сув қанча кўп бўлиб, ҳарорат юқори бўлса, у шунча кам қузилади.

Асал қанча оғир бўлса, унинг таркибида сув шунча кам бўлади. Асалдаги сув миқдорини ареометр деган асбоб билан аниқлаш мумкин. Бунинг учун бир миқдор асалга икки миқдор сув қушиб, бу аралашма 20 даражага иситилади. Сўнг бошқа идишга қўйилиб, унга ареометр ботирилса, асалдаги сув маълум бўлади қолади.

ИЛК ГЛОБУС

Ер қуррасининг бутун юзасини, унинг геометрик контурлари ўхшашлигини ва майдонлар нисбатини сақлаган ҳолда ифода этувчи глобуснинг митти нухасини илк бор 1492 йили Птолемей хариталари асосида немис географи М. Беҳайм ясаган, деган фикр шу яқин вақтгача ҳукмронлик қилиб келди. Бироқ ватандошимиз Абу Райҳон Беруний М. Беҳаймдан қарий 5 аср муқаддам рисоладагидек глобус ясаб қўйган.

Улуғ ўзбек олими ўзининг «Қонуни Масъудий» асарида Ернинг қуррасимонлиги ҳусусида шундай фикрларни баён қилган: «Ер умуман юмалоқдир, бироқ айрим жойлари гадир-будир, чунки тоғлари дўлпайиб чиқиб туради, ботиқлари чўқур кирган. Шундай бўлса-да, унинг шакли қурага ўхшаш, тоғларнинг баландлиги бутун ерга нисбатан кичикдир...»

Беруний қатор олимларнинг китобларида саёҳатларга тегишли маълумотларни тўплаб, сайёҳлар тилга олган масофа маълумотларини ҳамда жой ва мамлакат номларини тузатиб чиқди, сайёҳлардан кейин уша жойларга бориб келган кишилардан ҳам суриштириб, ҳар иккала хабарларни таққослаш асосида глобус яратди.

Хуллас, диаметри чамаси 5-6 метр келадиган бу бўртма глобус фақат Шарқ оламидагина эмас, балки жаҳон картография тарихида математик картография қондаларига асосланган илк глобусдир.

А. АЛИЕВ тайёрлади

БИР КУНИ ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЙ

Ҳожибой автобусда кетаётган экан. Қаршисида барзангидек эри билан ўтирган хушрўйгина жувон унга тикилиб қолди. Қизиқчининг шўхлиги тугиб, мўйловининг бир ўчини аста қимирлатиб қўйди. Жувон жавоб қилди. Ҳожибой мўйловининг иккинчи ўчини қимирлатди. Бироқ бу сафар жувоннинг эри пайқаб қолиб, ҳажд билан ўридан турди:

— Хўв, хумпар, нега ҳадеб хотинимга қараб мўйловингни қимирлатаяпсан? Янчиб ташлайми ҳозир?!

— Ие, ие, кечирасиз ака, — саросимага тушди қизиқчи. — Мўйловим узи шунақа, баъзи-баъзида қимирлаб қолади.

— Ҳали шунақами, узича қимирлаб қолади дегин, — деди барзанги қузининг пахтаси чиқиб.

— Қани, менгаям бир қимирласин-чи!

— Ке-кечирасиз ака, эркакларга ... қимирламайди.

Барзанги Ҳожибойнинг ёқасидан олди. Тўполон авжига чиқди. Жувон шунда абжирлик қилиб, эрини Ҳожибойдан ажратиб олди. «Вой, бу йигит ахир ўзимизнинг қизиқчи Ҳожибой Тожибой-ку. Ҳазиллашиб қимирлатса, қимирлатиб қуйити! Шунга ҳам ота гури қозихонами, ҳужайин!»

Ҳожибойнинг номини эшитган барзанги ҳовридан тушди. Соддадиллик билан нима дейди денг:

— Кечирасиз... Мен сизни танимай, ростакамига қимирлатпти, деб уйлабман...

Ҳожибой бир таниш колхоз раисини марказда учратиб қолибди. Ҳаддан зиёд семиз, бесунақай бу одам пишиллаб, пешонасидан тер қуйилиб турганмиш. Ёнида колхоз кассири ҳам бор экан.

— Раис ака, бу ерларда нима қилиб юрибсиз? — деб сўради Ҳожибой.

— Эй-э, нимасини айтай, — елпиниб жавоб берди раис.

Узинг биласан-ку, қачонлардан бери гушт планини бажаролмаймиз. Шунга .. беш-ўн мошин раис ортиб келувдик. Бу ерда уни гуштга алмаштирдик.

— Ие, раис деганингиз нимаси?

— Шуням билмайсанми, лодон? Бу ахир мол ейдиган зур ўт-ку!

— Энди, нима қилиб турибсизлар?

— Кўп эзмаландинг-да, масҳара. Идорага тилигром жўнатмоқчимиз. Иш битди, уч-тўрт кун айлини қайтамиз, хавотир олманглар, деган мазмунда. Кел, яхшиши, шу тилигромни ўзинг мондалаб жўнатиб бер.

Ушанда Ҳожибойнинг тилигромни колхозга шундай етиб борибди:

«Раисни гуштга топширдик, план тўладиган бўлди».

Қарангки, «раис» сўзидаги битта ҳарф алмашиб қолган экан.

МУАССИС:
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Шомансур ОБИДУҲАЕВ
Шухрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Изаат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Қуролбой ТўЛЕБОВ
Ёқубжон ХУҲАМБЕРДИ

ЖАМОАТЧИЛИК
КЕНГАШИ:
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шохрух АКБАРОВ
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ
Меҳмонкул ИСЛОМУЛОВ
Тўлқон ЛУТФУЛЛАЕВ
Бобоҳон ШАРИФ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.
Факс: 136-36-42.
ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилаётган. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №0011. Буюртма № Г-043.
8694 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди.
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.

ЎЗБЕКИСТОН
РЕСПУБЛИКАСИ
«ШАРҚ» НАШРИЁТ-
МАТБАА
КОНЦЕРНИ
БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили:
Буюк Турон
кўчаси, 41-уй.

Боснига топширилган — 19.00
Боснига топширилган вақти — 21.00

